ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ КАРОРИ

362 «ZiyoNET» таълим ахборот тармогини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тугрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармогини ташкил этиш тўгрисида» 2005 йил 28 сентябрдаги ПҚ−191-сон қарорига мувофиқ «ZiyoNET» таълим ахборот тармогини янада такомиллаштириш, унинг сифатини ошириш ҳамда умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасалари, ёшлар ташкилотлари, ахборот-кутубхона муассасалари, музейлар ва бошқа таълим, илмий ва маданий-маърифий муассасаларнинг «ZiyoNET» тармогидан фойдаланишини яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

- 1. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қумитаси, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва урта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясини умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари, олий таълим муассасалари, ёшлар ташкилотлари, ахборот-кутубхона муассасалари, музейлар ва мамлакатнинг бошқа таълим, илмий ва маданий-маърифий муассасаларини «ZiyoNET» тармоғига улаш буйича оператор этиб белгилаш туррисидаги таклифи қабул қилинсин.
 - 2. «Узбектелеком» акциядорлик компанияси:

умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари, олий таълим муассасалари, ёшлар ташкилотлари, ахборот-кутубхона муассасалари, музейлар ва бошқа таълим, илмий ва маданий-маърифий муассасаларнинг тузилган шартномаларга мувофик ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган нархлар буйича «ZiyoNET» тармо-

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2013 й.



ғининг ахборот ресурсларидан белгиланган тартибда узлуксиз фойдаланишини:

умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари, олий таълим муассасалари, ёшлар ташкилотлари, ахборот-кутубхона муассасалари, музейлар ва бошка таълим, илмий ва маданий-маърифий муассасаларга иловага мувофик руйхат буйича «ZiyoNET» тармогига кириши учун базавий кафолатланган хизматлар курсатилишини таъминласин.

- 3. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қумитаси бир ой муддатда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари, олий таълим муассасалари, ёшлар ташкилотлари, ахборот-кутубхона муассасалари, музейлар ва бошқа таълим, илмий ва маданий-маърифий муассасаларини телефонлаштириш ва «ZiyoNET» тармоғига улаш буйича жадвални тасдиқласин.
- 4. Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш буйича мувофиклаштирувчи кенгаш бир ой муддатда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда «ZiyoNET» тармоги ахборот ресурсларининг ягона реестрини шакллантириш ва юритиш тартибини тасдикласин, унга Узбекистон Республикаси давлат органларининг илмий-таълим ресурслари, сайтлари хамда Интернет тармоги миллий сегменти сайтларини киритишни назарда тутсин.
- 5. Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар:

телефонлаштириш ва «ZiyoNET» тармогига улаш жадвалига мувофик Корақалпогистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоят халқ таълими бошқармалари, худудий ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари, олий таълим муассасалари, ёшлар ташкилотлари, ахборот-кутубхона муассасалари, музейлар ва бошқа таълим, илмий ва маданий-маърифий муассасалар билан «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг филиаллари ўртасида шартномалар тузиш ташкил этилишини, шунингдек тузилган шартномалар буйича курсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар учун ўз вақтида ҳақ туланишини;

махаллий тармоқларни ташкил этиш йўли билан умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари, олий таълим муассасалари, ёшлар ташкилотлари, ахборот-кутубхона муассасалари, музейлар ва бошқа таълим, илмий ва маданий-маърифий муассасаларнинг «ZiyoNET» тармоғи ресурсларидан кенг фойдаланишини таъминласинлар.

- 6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «ZiyoNET» ахборот тармогини янада ривожлантириш тўгрисида» 2005 йил 28 декабрдаги 282-сон қарорининг 4-банди ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.
- 7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаментига ҳамда



362-модда

— 26 —

28 (580)-сон

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қумитаси раиси Х.М. Мирзохидов зиммасига юклансин.

Узбекистон Республикасининг Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш., 2013 йил 10 июль, 198-сон

> Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 10 июлдаги 198-сон қарорига ИЛОВА

Умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари, олий таълим муассасалари, ёшлар ташкилотлари, ахборот-кутубхона муассасалари, музейлар ва бошка таълим, илмий ва маданий-маърифий муассасаларнинг «ZiyoNET» тармогига кириши учун базавий кафолатланган хизматлар РУЙХАТИ

xDSL технологияси буйича кириш

Пакет	«ZiyoNET» тармоғига кириш тезлиги	«ZiyoNET» тармоғидан фойдаланиш учун трафикнинг белгиланган лимити	Интернет тармоғига кириш тезлиги	Интернет тармогидан фойдаланиш учун трафик- нинг белгиланган лимити (бир ойга)
ZiyoNET-1	512 Кбит/сек	Лимитсиз	128 Кбит/сек	700 МБ
ZiyoNET-2	1 Мбит/сек	Лимитсиз	256 Кбит/сек	1 000 МБ
ZiyoNET-3	1 Мбит/сек	Лимитсиз	512 Кбит/сек	1 200 МБ

Изох:

- 1. Бир ойда Интернет тармогидан фойдаланиш учун трафикнинг белгиланган лимити тамом булгандан кейин «ZiyoNET» тармогига кириш узиб қуйилмайди.
 - 2. Уланиш техник имконият мавжуд булган такдирда амалга оширилади.

FTTх технологияси буйича кириш

Пакет	«ZiyoNET» тармоғига кириш тезлиги	«ZiyoNET» тармогидан фойдаланиш учун трафикнинг белгиланган лимити	Интернет тармоғига кириш тезлиги	Интернет тармогидан фойдаланиш учун трафик- нинг белгиланган лимити (бир ойга)
ZiyoNET fast-1	1 Мбит/сек	Лимитсиз	512 Кбит/сек	2 800 МБ
ZiyoNET fast-2	1 Мбит/сек	Лимитсиз	1 Мегабит/ секунд	5 000 МБ
ZiyoNET fast-3	2 Мбит/сек	Лимитсиз	2 Мегабит/ секунд	Лимитсиз

. Узбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2013 й.



— 27 —

362-363-моддалар

Изох:

28 (580)-сон

- 1. Бир ойда Интернет тармогидан фойдаланиш учун трафикнинг белгиланган лимити тамом булгандан кейин «ZiyoNET» тармогига кириш узиб куйилмайди.
 - 2. Уланиш техник имконият мавжуд булган такдирда амалга оширилади.

СРМА-450нинг симсиз технологияси буйича кириш

Пакет	«ZiyoNET» тармоғига кириш тезлиги	«ZiyoNET» тармогидан фойдаланиш учун трафикнинг белгиланган лимити	Интернет тармогидан фойдаланиш учун трафикнинг белгиланган лимити (бир ойга)	Телефония (бир ойга)
ZiyoNET CDMA-1	128 Кбит/сек	Лимитсиз	500 МБ	бепул кирувчи чиқувчи қўнғироқлар учун 500 минут
ZiyoNET CDMA-2	128 Кбит/сек	Лимитсиз	1 000 МБ	бепул кирувчи чиқувчи қўнғироқлар учун 1 000 минут

Изох: CDMA-450 технологияси вилоятларнинг олис туманларида жойлашган ҳамда xDSL ва FTTх орқали уланиш учун техник имкониятларга эга булмаган таълим муассасалари учун мулжалланган.